

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил февраль ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Т.Бекпулатов, судья ёрдамчиси Ю.Эшпулатовнинг котиблигида, томонлардан Жарқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Қ.Зубайдуллаев, судланувчи ХХХХХ ва унинг ҳамоячи адвокатлари А.Бозоров ва Н.Ҳазираткулов, фуқаровий даъвогар ХХХХХнинг иштирокида, ХХХХХга оид 1-1906-2501/3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи ХХХХХ (ХХХХХ), ХХХХ йил ХХ май куни Жарқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, депутатликка сайланмаган, “ХХХХХ” фермер хўжалиги раҳбари, муқаддам судланмаган, Жарқўрғон тумани “ХХХХХ” маҳалласи “ХХХХХ” кўчаси ХХ-уйда яшайди, унга нисбатан “Муносиб хулқ- атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб кўриб ҳамда тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилиб, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи ҳужжатларига кўра, Жарқўрғон тумани прокуратураси томонидан 2024 йил 5 август куни туманнинг “ХХХХХ” маҳалласида яшовчи фуқаро ХХХХХ, Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2022 йил 21 январдаги 29-О-Қ/22-сонли қарорига асосан Жарқўрғон тумани “ХХХХХ” массивидаги ўзига тегишли бўлган “ХХХХХ” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 575(576)-дала контур қисмидаги тупроқ унумдорлиги 41.5 балл бонитетли 0.24 гектар суғориладиган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2023 йилнинг август ойида жами қурилиш ости 0.01 гектар суғориладиган ер майдонида ўзбошимчалик билан $3.80 \times 17.05 = 64.79$ кв.метр ўлчамда 4 (тўрт) хонали уй-жой, $3.80 \times 4.55 = 17.29$ кв.метр ўлчамда тандирхона, $3.30 \times 5.20 = 17.16$ кв.метр ўлчамда 1 (бир) хонали молхона биноларни ноқонуний равишда қуриб олганлиги аниқланган.

Мазкур ноқонуний қурилиш ишлари натижасида Жарқўрғон тумани ҳокимиятига 7.008.400 (етти миллион саккиз минг тўрт юз) сўм миқдорда зарар етказилган.



Судланувчи XXXXX суд мажлисида айбига иқrorлигини билдириб, Жарқўрғон тумани “XXXXX” массивидаги ўзига тегишли бўлган “XXXXX” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 575(576)-дала контур қисмидаги дала майдонида пиллахона фаолияти учун бино қурганлиги, ишчиларга шароит қилиш мақсадида қуришга мажбур бўлганлиги, етказилган зарарни қоплаб бергани, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ XXXXX суд мажлисида у Жарқўрғон туман кадастр палатасида бош инспектор лавозимида ишлашлиги, XXXXX 0.24 гектар суғориладиган ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, $3.80 \times 17.05 = 64.79$ кв.метр ўлчамда 4 (тўрт) хонали уй-жой, $3.80 \times 4.55 = 17.29$ кв.метр ўлчамда тандирхона, $3.30 \times 5.20 = 17.16$ кв.метр ўлчамда 1 (бир) хонали молхона биноларни ноқонуний равишда қуриб олганлиги аниқланганлиги, жойи бўйича бирон-бир ҳужжати мавжуд эмаслиги, кадастр рақами берилмаганлиги, солиқ тўловларини амалга оширмаганлиги, ушбу ер майдон ва уй-жой давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ XXXXX суд мажлисида у Жарқўрғон туман кадастр агентлигида бош инспектор лавозимида ишлашлиги, XXXXX Жарқўрғон тумани “XXXXX” массивидаги ўзига тегишли бўлган “XXXXX” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 575(576)-дала контур қисмидаги тупроқ унумдорлиги 41.5 балл бонитетли 0.24 гектар суғориладиган ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2023 йилнинг август ойида жами қурилиш ости 0.01 гектар суғориладиган ер майдонида ўзбошимчалик билан $3.80 \times 17.05 = 64.79$ кв.метр ўлчамда 4 (тўрт) хонали уй-жой, $3.80 \times 4.55 = 17.29$ кв.метр ўлчамда тандирхона, $3.30 \times 5.20 = 17.16$ кв.метр ўлчамда 1 (бир) хонали молхона биноларни ноқонуний равишда қуриб олинганлиги аниқланганлиги, ушбу ҳолат бўйича прокурорга хабар берилганлиги, улар бир неча маротаба огоҳлантиришганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар XXXXX суд мажлисида у Жарқўрғон туман ҳокимлиги бош юристконсулт вазифасини вақтинча бажарувчи бўлиб ишлаб келишлиги, иш бўйича у фуқаровий даъвогар деб топилганлиги, XXXXX Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2022 йил 21 январдаги 29-О-Қ/22-сонли қарорига асосан Жарқўрғон тумани “XXXXX” массивидаги ўзига тегишли бўлган “XXXXX” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 575(576)-дала контур қисмидаги тупроқ унумдорлиги 41.5 балл бонитетли 0.24 гектар суғориладиган ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2023 йилнинг август ойида жами қурилиш ости 0.01 гектар суғориладиган ер майдонида ўзбошимчалик билан $3.80 \times 17.05 = 64.79$ кв.метр ўлчамда 4 (тўрт) хонали уй-жой, $3.80 \times 4.55 = 17.29$ кв.метр ўлчамда тандирхона, $3.30 \times 5.20 = 17.16$ кв.метр ўлчамда 1 (бир) хонали молхона биноларни ноқонуний равишда қуриб олганлиги аниқланганлиги, иш бўйича суғориладиган ер майдонига қурилган ноқонуний уй-жойни бузиб, ерни туман ҳокимлиги захирасига қайтаришни ҳамда ноқонуний қурилиш оқибатида етказилган зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.



Судланувчи ХХХХХнинг айби, иш ҳужжатларидаги Кадастр агентлиги Жарқўрғон туман бўлимининг 13.08.2024 йил берган №01-10-68-сонли хулосаси, унинг фотосурати ва google программасидан олинган фотосуратлари, Жарқўрғон тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимининг 07.08.2024 йил берган №05-12/99-сонли маълумоти ва илова ҳужжатлари, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилояти бошқармасининг 29.11.2024 йилдаги №12/24-2354-сонли жавоб хати ва унга илова ҳужжати, гувоҳ ХХХХХ ва ХХХХХнинг ҳамда фуқаровий даъвогар ХХХХХнинг суддаги кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан исботланган.

Суд қилмишни квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХХХХнинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи ХХХХХга жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олишни, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолайди.

Суд, судланувчи ХХХХХга жазо тури ва меъёрини бегилашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб кўрсатилган раҳбарий кўрсатмаларига таянган ҳолда, иш ҳолатини, ишнинг хусусияти, жиноят содир этишдаги ролини, шахсини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга ЖКнинг 13-моддаси тартибида жиноят содир этилган пайтдаги қонун нормасидан келиб чиқиб айбланаётган ЖК 229¹-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд фуқаровий даъвони ундириш масаласини муҳокама қилиб, ХХХХХ томонидан ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан яшаш уйни қуриб олганлиги натижасида етказилган 7.008.400 (етти миллион саккиз минг тўрт юз) сўм зарарни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармасининг тегишли ҳисоб рақамига тўланганлигини эътироф этишни лозим топди.



Суд, манфаатдор тарафларга судланувчи ХХХХХ томонидан Жарқўрғон тумани “ХХХХХ” массивидаги ўзига тегишли бўлган “ХХХХХ” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг суғориладиган ер майдонига ўзбошимчалик билан қурилган жами қурилиш ости 0.01 гектар уй-жой биноларни бузиш масаласида фуқаролик судига даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463,464, 465-468, 472-473, 475-476-моддасини қўллаб:-

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи ХХХХХ (ХХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи ХХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 229¹-моддасининг 2-қисми билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи ХХХХХга куннинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойи Жарқўрғон тумани “ХХХХХ” маҳалласида жойлашган хонадонидан чиқиб кетиш тақиқлансин.

Унга қуйидаги қўшимча тақиқ ва чеклашлар юклансин:

ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик;

Сурхондарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Жазо муддати пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Жарқўрғон туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юклансин.

Судланувчи ХХХХХга нисбатан қўлланган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

ХХХХХ томонидан ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан яшаш уйни қуриб олганлиги натижасида етказилган 7.008.400 (етти миллион саккиз минг тўрт юз) сўм зарар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармасининг тегишли ҳисоб рақамига тўланганлиги эътироф этилсин.

Манфаатдор тарафларга судланувчи ХХХХХ томонидан Жарқўрғон тумани “ХХХХХ” массивидаги ўзига тегишли бўлган “ХХХХХ” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг суғориладиган ер майдонига ўзбошимчалик билан қурилган жами қурилиш ости 0.01 гектар уй-жой биноларни бузиш масаласида фуқаролик судига даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи:

Т.Бекпулатов.

Хужжат имзоланган: Бекпулатов Тохир Салимович, 03.03.2025

